

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

«30» сентябр 2022 й.

21-сон

Бўстон т.

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Бўстон тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **Б.Низамов**, бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи **ООО «BARQAROR YO'LLAR 2002»** номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари **С.Бахритдинов** иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

1.1 Мазкур шартномани бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан **ООО «BARQAROR YO'LLAR 2002»** билан шартнома тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

1.2 «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бўстон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли жаррохлик бўлими биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

1.3 «*Буюртмачи*» бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва бажарилган ишларга бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1 Шартноманинг умумий баҳоси – жорий таъмирлаш ишларининг қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **49 000 000 (қирқ тўққиз миллион сўм)** сўм 00 тийинни ташкил этади.

2.2 Бажариладиган ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

2.3 Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сўнг «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан, ҳамда қолган 70 фоизини бажарилган ишларни қабул қилиб олинганидан сўнг «*Пудратчи*» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4 Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.5 Бирлашмага қарашли жаррохлик бўлими биносини жорий таъмирлаш ишларига смета лойиҳасини тайёрлатиш ҳамда унга экспертиза хулосасини олиш харажатларини «*буюртмачи*» нинг ҳисобидан бажарилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1 «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари;

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади;

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 1 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади;

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2 «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари;

Бажарилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган иш қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарар билан қопланишини талаб қилиш;

3.3 «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари;

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари;

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меёрий ҳужжатлар билан таъминланишини талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада кўрсатилган ишларни қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2 «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ тўланадиган пеня суммаси шартнома умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3 Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» томонидан тўловлар тўхтатилади ҳамда лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 фоиз миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4 Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ тўланадиган пеняларни умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 фойизидан ортмаслиги керак.

4.5 Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бажармаган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик ҳамда бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

5. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР.

5.1 Ушбу шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаслик табиий офатлар натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1 Мазкур шартнома белгиланган тартибда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2 Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йуллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2 Шартнома 2 нусхада тузилиб, ҳар иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

« ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

ООО «BARQAROR YO'LLAR 2002»

Манзили: Бўстон тумани Маъориф мфй

х/р: - 2020800000838683001

Банк номи: Халқ банки Бўстон туман бўлими

СТИР - 305228074 МФО -00628

ОКОНХ - 71100



Рахбар:

С.Бахриддинов

(имзо)

Бўстон туман тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Бўстон туман Улугбек кўчаси №34


уй

Ш/хв: 400322860032097073101054002

СТИР- 200264268

ОКОНХ : 91511

Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия
Вазирлиги ғазначилиги ягона ғазначилиги
х/р 23402000300100001010
Тошкент шаҳар Марказий банк ХКМ, МФО
00014, СТИР 201122919



Рахбар:

Б.Низамов

(имзо)

(ФИШ)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ CR52462314

1. Loyihaning turi

Shartnomasi

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

3. Pudrat shartnomasi mazmuni

“Pudratchi” mazkur shartnoma shartlariga muvofiq Bo'ston tumani tibbiyot birlashmasiga karashli jarroxlik bo'limi binosini joriy tamirlash ishlarini bajarish majburiyatini oladi. «Buyurtmachi» esa «Pudratchi»ning bankdagi hisob raqamiga 49 000 000 (qirq to'qqiz million) so'mlik to'lovlarni amalga oshirish majburiyatlarini oladi. Chiroqlari o'rnatish, joriy tamirlash, ta'mirlash ishlari sifatli bo'lishi shart. Ish va xizmatlar ishchi guruxi tomonidan qabul qilib olinadi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Bo'ston tuman tibbiyot birlashmasi

2022 yil «30» sentabr

Loyiha-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324, 353-354, 631-655 moddalari, O'zbekiston Respublikasi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonunining 24, 34, 36-moddalari va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bo'ston tumani Yuridik xizmat
ko'rsatishmarkazi bosh yuriskonsulti:**



**B.Adxamov
2021 yil «30» sentabr**